

• ЛОЙИХА

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING САЙЛОВОЛДИ ЖАРАКАТ ДАСТУРИ

КИРИШ

Адолат ўзи нима? Аддолат — мураккаб, кўпқиррали тушунчидир. У ўз мазмун-моҳиятига кўра, ахлоқий, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий муносабатларни қамраб олади. Адл-адолат, тўғрилиқ, инсоф маъноларини англатади. Ички маъноси бўйича аддолат тушунчаси «қонун», «қонунийликнинг» инфодаси бўлиб, қадимги юнон тилидаги «дикус» сўзига монанд келади. Латин тилида «истиқдос» сўзи — ҳуқуқ, қонун, ҳокимият ўзининг қўлини қўйишга ифода қилади. Шу нуқта назардан аддолат қонун-қондоғи, тартибга монанд хатти-ҳаракатларнинг инфодасидир.

Партиянинг «Адолат» деб аталishiдан мақсад ҳам шуки, у жамиятимизда аддолат мезонининг бузилишига қарши кураш олиб боради. Биз шунчаки демократик жамият эмас, ҳуқуқий демократик одил жамият қурамоқчимиз.

Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса ҳалқимиз табиати-нинг энг муҳим фазилатларидан биридир. «Куч — аддолатда» деб бекор айтмаган эди бобомиз Амир Темур.

Бугунги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида кишиларнинг меҳнатда ўз икхидий имкониятларидан тўла фойдаланишга интилишлари табиий жараёндир. Меҳнат соҳибдорларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини тўла намоен этишлари учун, уларнинг меҳнатда ва ҳаётда беғоналашувини бартараф этиб, турли буюрларнинг ҳо-ҳўс-қилардан холи қилиш — ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни тезлаштирувчи муҳим омиллардан биридир. Жамиятимиз тараққиётининг истиқболига нисбатан бундай ёндошуш ижтимоий аддолат эъзасидандир.

Шарқ мутафаккирлари ижтимоий аддолатни ҳақиқатнинг мезони деб атаганлар. Умуман, аддолат жамият таркибининг барқарорлигини таъминловчи, тақсимот соҳасида ва ижтимоий муносабатларда ҳар бир гуруҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беришчи ҳуқуқий тушунча (қонун) сифатида шарҳланади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, буюк гоғлар, олижалар мақсадлар шугларга мос ахлоқий ва қонуний воситалар билан амалга оширилгандагина ижобий натижаларни келтириб чиқариши мумкин.

Сиёсат ва ахлоқ, уларнинг мутаносиблиги гоғси ҳақиқат муҳим аҳамият касб этган. Шарқ мутафаккирлари сиёсат — таълим-тарбия, инсонда маънавий қамолот, одамийлик, аддолат ва шу каби ахлоқий фазилатларни қарор топтириш учун хизмат қилмоғи лозим, деб ҳисоблаганлар.

Адолат — ахлоқий тушунча сифатида меҳр-шафқат, ҳайр-саховат, раҳмдиллик каби инсонийлик хис-туйғулариди инфодаланди. Шу маънода аддолат айрим шахсларнинг ўзаро муносабатлари, хатти-ҳаракатлари ва қилмишларига нисбатан берилган маънавий (ахлоқий) баҳо бўлиб, қилинган ишларнинг ахлоқий қондаларига ва нормаларига муносиб ёки номумносиб эканлигини билдиради. Бошқача айтганда, ахлоқий категория сифатида аддолат одамларнинг бир-бирларига зийн етказмаслик, бирорта хийнат қилмаслик, бошқаларни меҳнат ва ор-омусига тегмаслик, инсоний ҳурмат қилиш, унинг азоб-уқубатларига ҳамдард бўлиш каби талабларда мажбасланган.

Адолат ҳақиқий категория сифатида давлат ишларининг қонунийлиги асосида олиб борилишининг, қонунчилиқнинг, қонун-қондаларнинг амалда жорий этилишининг инфодасидир. Шу нуқта назардан аддолат ҳар бир жамият аъзосининг ҳуқуқларини таъминлаш, қонунни қарор топтириш демакдир.

Бугун биз ҳуқуқий давлат асосларини яратиб, ватандошларимизда ўз ҳалқига, мамлакатига садоқат хис-туйғуларини шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлатчилигимизни барпо этишнинг амалий ва маънавий воситалари эканлигини тўғри англамоғимиз лозим. Мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат бунёд этилаётган даврида ўтмиш аждоқларимизнинг тажрибаларини ўрганиш, уларнинг ишларидан ижобий сабак олиш, уларнинг ҳақиқатларига асосланган дунёқарашимизни ва янги тадафкурни шакллантириш, миллатнинг ўзлигини англаш, ижтимоий тараққиётимизнинг равақ топиш йўлида муҳим қадмлардан биридир.

ПАРТИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ: СИЁСИЙ СОҲАДА

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистонда вужудга келган илк социал-демократик партиядир. Дунёда эса биринчи социал-демократик партиялар ўтган асрда Оврупада вужудга келган. Аммо социал-демократияга асос бўлган ақсарият гоғлар имом Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий каби бобоқалонларимиз — Шарқнинг буюк донишмандлари томонидан илгари сурилган.

Бир юз ўттиз йиллик мустабиллик даврида бизни бобоқалонларимизнинг маънавий хазинасидан даярлик маҳрум этишди. Сўнгги 74 йил мобайнида эса яққалқурмон Қомпартия дунёдаги барча тараққиётпарвар ҳаракатлар, жумладан, социал-демократик партиялар ҳақидаги ҳаққоний маълумотлар етиб келишига қаршилик кўрсатибгина қолмай, уларни қоралаб келди. Ва мана энди мустақиллик тўғрисида аждоқларимизнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлишимиз. Истиқлол тўғрисида жонхон бизни, биз эса жонхонни танилишимиз. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ана шу жараёндир, шунингдек, юртимиз бўйлаб шахдам қадмлар ташлаётган демократиянинг ва ўзлигимизни англаётганларимизнинг мевасидир.

«Адолат» социал-демократик партиясининг бош мақсади — мустақилликни мустаҳкамлаш, ислохотларнинг жадаллашуви, ҳуқуқий демократик, аддолатли фуқаролик жамияти барпо этиш ва пировардида Ўзбекистонни жаҳонда ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўйишдан иборат.

«Адолат» социал-демократик партияси ўртақлол ва эҳтиёжман аҳоли табақаларига таяниб, уларнинг сиёсий ва ижтимоий иродаларини намоен этишга интилади. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этишга қўйишда, ижтимоий аддолат таъминлашга қатъий амал қилиб, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Партиянинг гоғвий неғизини социал-демократиянинг уч асосий тамойили ташкил этиди. Булар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аддолат тамойилларидир.

Сиёсий аддолат тамойили демократик ҳуқуқ ва сиёсий эркинлик, яъни виждон, сўз, матбуот эркинлигини ўз ичига олади. Ҳамада учун баробар саялов ҳуқуқи, қонун олдидан тенглик, унга ишторкорлик бу тамойилнинг умумлаштирилган кўринишидир.

Иқтисодий аддолат тамойили ҳўқуқли ҳаётига жорий этилган жамиятнинг манфаатлари ҳўсусли маънаводорликдан оқори туради. Ҳамада турдаги мулкчилик шакллари, шу жумладан, давлат, жамоат, ҳўсусли шахсларни тақозо этиди.

Ижтимоий аддолат тамойили жамият раънақни учун ҳалол меҳнат қўлаётган ҳар бир фуқаро ўзини ва оиласини боқиб, билим олиш, табиий хизматдан фойдаланиш, ўз қад-қиммати ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва ўтиш даври иқтисодий қийинчиликларда мушкул аҳволга тушиб қолган аҳоли қатламларини ижтимоий муҳофаза шаддидларини амалга оширишдан иборатдир.

Социал-демократиянинг асосий тамойилларини амалга ошириш партияимиз дастурида белгиланган демократик одил жамиятни қуриш билан ўзвий боғлангандир. Бундай жамиятнинг барпо этиш қонун устиворлигини таъминловчи аддолатли ижтимоий муносабатлар ўрнатилгандагина ҳаётлидир. Ушбу йўналишдаги ишларни бақаришни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблагани учун ҳам партияимиз «Адолат» деб аталади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси синфий айирмачилик, синфий кураш, шунингдек, қуролли қўзғолонлар гоғсини қатъиян рад этиди. Жамиятни демократлаштириш, ижтимоий табақалар ва тоифалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда ҳамжихатлиқни вужудга келтириб, ҳалқимиз бирлигини, бирдорлигини мустаҳкамлашга интилади. У сиёсий-ижтимоий муаммоларни тинчлик, келишувчилик йўли билан ҳал этиш тарафдоридир.

Демократик жараёнлар қўқуллашиб борад экан, партияларнинг фаолиги, фуқароларнинг ўз сиёсий иродаларини амалга оширишга бўлган интилиши ошиб боради. Бундай шароитда партия аъзолари ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳижатдан тарбиялаш ва сиёсий-маданий савиясини оқсатириш

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг долзарб амалий вазифаси ҳисобланади.

Партия ҳалқимизнинг ақдрилиги, руҳий қуввати ва пировард натижада истиқлолимизга раҳна солувчи иллатлар — миллатчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, боқимандалик, порахўрлик, коррупция каби жиноятларга юз тутганларни қош қилади. Давлат, маъмурий органлар, жамоат ташкилотларининг бу иллатга қарши курашида қўмақдош бўлади.

Партияимизнинг яна бир муҳим вазифаларидан бири — мустақиллик моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, одамларнинг ёркин келажакка бўлган умид ва ишончини мустаҳкамлаш, Ватанга муҳаббат туйғусини янада қўчатириш, онг ва шуурни мулкелдан батамом ҳалос этишдир. Ана ўшанда ҳар бир фуқаро юрт, ҳалқ шаънини, истиқлолни тўлақилча ҳимоя қилади, мамлакатимиз раънақни учун ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир бўлади, бор қў-имкониятини мустақилликни мустаҳкамлашга бағишлайди, истиқлолимизни ички ва ташқи душманлардан муҳофаза этишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди.

ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА

Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққиёт этиришида иқтисодий муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси тараққиётимизнинг неғизини деб ҳўсусли, давлат мулкига асосланган бозор иқтисодиётини ривожлантиришга қўзда тутати.

Мулк эғаларининг даҳлсизлигини амалда таъминлаш партияимиз учун асосий йўналишлардан бири бўлиб қолган. Бизнинг мақсдимиз аниқ: қимчи жамиятда элим деб, юртим деб ҳалол меҳнат қўлаётган бўлса, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳўқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

«Адолат» социал-демократик партияси қишлоқда туб ислохотлар ўтказиш тарафдоридир.

Партия ер эғиси бўлган деҳқонга таянади ва унинг мустақил ишлаши учун шарт-шароит яратиб бериш тарафдоридир. Партия ҳақиқий меҳнат қийинчилигини манфаатларини ҳимоя қилар экан, уларнинг ўз меҳнатлари натижасидан кўпроқ самара олишини муҳим ҳаётий зарурат деб ҳисоблайди.

Партия «Саноат — қишлоқ» деган тамойилни амалга оширишнинг ҳақиқий авангарди бўлади.

Партия янги иш ўринларини яратиш учун курашади. Атроф-муҳит ва экологияга зарар келтирадиган ҳаволи ўқоқлар пайдо бўлса, уларни ўз вақтида бартараф этишни ўзининг асл мақсдларидан бири, деб билади.

«Адолат» социал-демократик партияси мавжуд бўлган барча ҳўқуқли тузилмаларни ёркин фаолият кўрсатишлари учун ер-качки имкониятларни яратилишига ҳаракат қилади. Уларнинг самарали фаолият кўрсатишларига кенг йўл очади.

Партия қишлоқ ҳўқуқли маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлигини, ҳўқуқли мустақиллигини таъминлашга интилади. Бундан буюн ҳар бир ишлаб чиқарувчи ошадма мажбурияти қонуний қўлга эга эканлиги, уни бузган ҳолда факат бир томонлама маса, балки икки томонлама жаъобгар бўлиши лозимлигини ҳис этишини таъминлайди.

Бу йўлда партия ўз наشري — «Адолат» газетаси орқали иқтисодий-ҳўқуқий ўқуларни йўлга қўяди. Токи замин меҳнатқашлари меҳнат қилгандан сўнг унинг роҳатини қўриш мумкинлигини аҳолига ҳис этишлар.

Партия келгусида фермерларга қўлай шароит яратиш йўлидан боради. Фермерларнинг ҳақ-ҳўқуқларини қонуний ҳимоя қилади.

«Адолат» социал-демократик партияси банк тизимини такомиллаштириш, уни иложи борица мижозлар учун қўлай, содда бўлишини таъминлашни ўз бурчи деб билади. Бундан буюн банк тизимини томонидан қонунбузарликлар бўлишига йўл қўймаслик учун зарурий чораларни қўради. Банклар олдиди ҳўқуқий шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам бирдай манфаатдор бўлиши керак. Партия уларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга эътиборини қаратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат — тараққиёт омилли ҳисобланади. Партия рақобатни шакллантириш учун бор имкониятини ишга солади. Мақсад яъни мол ишлаб чиқарган қандини урсин, қўлдан келмаган қўйиб қолсин. Партия бу йўлда таъин-билишчилик қилиб, яъни молларга сўнвий тўсиқлар яратиб, ёмонларга йўл очиб берадиганларга қарши кескин курашади.

Еримиз олтин, сувимиз зар, етиштираётган маҳсулотимиз бе-баҳо деймиз. Лекин ана шу етиштираётган маҳсулотларимизнинг ҳаммаси ҳам жаҳон бозорига ўз ўринини тополмайдими? Йўқ. Буннинг учун қўп иш қилишга тўғри келади. Шунинг учун партия Ўзбекистонда етиштирилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига кўпроқ кириб бориши учун бор имкониятини сарфлайди.

«Адолат» социал-демократик партияси бундан буюн саноатни янги техника ва технология асосида ривожлантиришга бор қўч-ғайратини сарфлайверади.

Хозирги шароитда ҳоржий инвестицияларсиз тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Партия мамлакатимизга инвестиция олиб киришга қўмақлашди.

Партия олдиди ҳар бир шахс, ҳар бир ташкилот, қорхона бир хил маъвега эга. Мақсдимиз уларнинг қонуний ҳўқуқларини ҳимоя қилган ҳолда ҳаммаининг баракали меҳнат қилиб ўзларига ҳам, давлатга ҳам бирдай манфаат етказишларини ҳўқуқий ҳижатдан таъминлашдир.

ИЖТМОИЙ СОҲАДА

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳалқимизнинг турмуш тарзини оқсатириш, фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоий аддолатни қарор топтиришнинг ўзининг энг устивор йўналишларидан бири деб ҳисоблайди. Шу муҳим вазифалардан келиб чиқиб, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этиш, уларни давлат томонидан қўлаб-қувватлашишга эришишни ўз фаолиятининг асосий мезонига айлантиради.

«Адолат» партияси жамиятимизда аддолат мезонининг бузилишига қарши кураш олиб боради.

Партия — аддолат ва ҳақиқат мезони ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олиши, у қонунчилик фаолиятимизнинг заминини, бош йўналиши бўлиши шарт деган фикрни доимо олға сурати. Давлатчилик ва қонунчилик, ҳўқуқшўносликни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўйишни ўзининг бурчи деб билади. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-йўл, нафақа ва солиқ масалаларини енчишда шу муҳим ҳаётий асосларга таянади, уларни таъминлашга ҳаракат қилади. Жамият раънақни учун ҳалол меҳнат қўлаётган ҳар бир фидойи кишига ўз оиласини боқиб, билим олиш, табиий хизматдан фойдаланиш, ўз қад-қимматини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароит яратиш партияимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланади.

Иқтисодий ислохотлар шароитида аҳолининг кам таъминланган, энг ночор қатламлари — кексалар, ишорилар, етим-есирлар, қўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси партияимизнинг доимий эътиборида бўлади. Шу билан бирга ижтимоий соҳа: соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, санъатни, шу тармоқлар ҳодимларини ҳар томонлама қўлаб-қувватлайди.

Партия маориф соҳасида ягона таълим тизимини жорий этиш тарафдоридир. Бунда миллий қадриятлар билан бир қаторда, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан самарали фойдаланиш керак деб ҳисоблайди.

Республикамизга келажик, аввало, мамлакатимизнинг интеллектуал салохиятига боғлиқ. Бизнинг мақсдимиз уни нафақат асраб-авайлаш, балки ана шу бебаҳо бойлиқдан оқилона фойдаланишдир.

Партия, шунингдек, одамларимиз, айнакиса, ёшларнинг жисмоний қамолотида жиддий эътибор беришликни муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

Қишлоқ аҳолининг ерга, табиий бойлиқларга бўлган меҳр-муҳаббати орттириш, яъни аҳолининг муносабати билан унинг самарали меҳнат қилишига, меҳорига яраша даромад олишига эришишга, турмуш шароитини амалда қўтаришга интилиш ва эзгу ниятларни юзага чиқарилишига тарафдор бўлгани ҳолда партия қишлоқнинг қад-қимматиини тиклаш ишига муносиб ўлаш қўшади. Негаки мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси қўп ҳижатдан қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги, қишлоқ ҳўқуқлиги ривожлантириш даражаси ва унинг самарасига боғлиқ. Қиш-

лоқ ҳўқуқлигида мулкчилик шаклини такомиллаштириш, деҳқон-фермерлик ҳаракати кенг йўл очиб ҳар бир деҳқону чорвадорга ўз меҳнати самарасидан мустақил баҳраманд бўлиш имкониятини янада кенгайтиришни партия доимо қўлаб иш юри-тади.

Қишлоқ жойларда, айнакиса, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда ишчиликка барҳам бериш мақсадида саноат, қурилиш, маийш хизмат турларини, кенг қамровли қайта ишлаш шахобчаларини ташкил этиш, қичик ҳамда ўрта қўшма қорхоналар бунёд этиш, ҳўнармандчиликни боқимча-боқимча ривожлантириш, шу мақсад йўлида қишлоқ жойларда турли ўқу деҳқонларини очиб, уларга ёшларни кенг жалб этиш жараёнларига ўзининг ҳиссасини қўшади. Партия ўз ағосиёсатининг муҳим қисми бўлган қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашни — қишлоқларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, таълим-тарбия ва табиий ёрдамни яхшилаш, янги-янги маданий муассасалар, томошагоҳлар, қойоналар, маҳаллий гузарлар, мактаблар ва йўллар қуришга ҳисса қўиши орқали юзага чиқаради.

МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДА

«Адолат» социал-демократик партияси асрлар оша буюк аждоқларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаятган маънавий-маданий, ахлоқий-оқилоий, тарбиявий-маърифий, ҳалол меҳнат билан ризқ-ўз эратувчилик, шаъватпешалик каби аъналарига имон-эътиқод ила содиқ қолаверади.

Ватанга содиқ, мард, шижоатли, ғайрати ҳўшган, ҳўшёр, ваъдасига вафодор, ҳаё-ёили, яъни-ёмонни аҳрата билдиган, савб-қаноатли, инсоф-диниятли, дунёвий маданиятли, зуқко авлод тарбияси энг муҳим вазифаларимиздан бирига айланади.

Ўзимизга қайтган она тилимиз ва динимизни, гуруҳимизни, миллий ўрф-одатларимиз, инсоният маънавиятига дахлдор жамий бойлиқларимизни асраб-авайлаймиз. Ота-онга ҳурматни бажо келтириб, фарзандлик бурчларини адо этиш, устозини рози қилиш, оила ришталарини мустаҳкамлаш, фарзандига ҳўш-ҳўқлиқ, ширинсухаллик, меҳр-шафқат, муруватни ўргата олиш асосида фаолият юритади.

Партия мустабил жойилатиш даврида одамларда пайдо бўлган манқурлашнинг майлини йўқотиш, аҳолининг турли қатламларида, турли ёшдаги кишилар орасида йўқолаётган шарм-ҳаёни, андишани, ибони қайтариш, дилимиз тўрида ва тилимиз учиди турган, айтолмай қийнаётган муаммоларнинг енчимини топишда эзга ҳамдард бўлишга бел боғлаган.

Хўш аср бугундаги авлодларимизни Шарқ ахлоқ йўсини андо-заларида мос тарзда буюк келажак қаровида жаҳон даража-ларидан дадил кириб бораётган ёшларимизни тадафқур қамолотида етказиш партияимизнинг энг асл мақсадидир.

Такаббурлик, ҳудбинлик, қарғазлиқ, таъмағирлик, субугсиз-лик, ёлғон сўзлаш, ваъдабозлик каби иллатли қишлоқларга до-латлаш шамшири қудрати намоен қилинади.

Маънавиятдаги занжирбандликка, фикрий ташаббускорликни мақорона бўғишга, бошқарув тизими йўриқномаларидан раҳбар манфаатларини қўлаб қўйиладиган қарши кескин кура-шилади.

«Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъин асос қилиб, ҳўқуқий демократик давлат қуриш, таъминлашнинг асосини, қонунлар доирасида фуқаролар ҳақ-ҳўқуқларини ҳимоя қилади. Эркин жамиятда миллатдан қатъий назар тенгҳўқуқлилик, байналмилалчиликни улуғлаш сиёсатини амалга ошира бориб, фуқаролардаги Ватан ва мустақиллик тақдирини учун фидойиликни қўлаб-қувватлашга қаролот беради.

Мустақиллик шарофати билан ҳалқимизга пешкаш қилинган мақомлар, тарихат пиларининг қароматлари, ёш қарига ибрат бўлиб қолган тўлганган буюк тарихий асарлардан зий олиб, маърифатпарварлар сафлари кенгайтирилади.

«Давлат тили тўғрисидаги қонунга амал қилинади. Амо йўл тилини қаттиқ улуғлаб, иккинчиининг қамситилишига асло йўл қўйилмайди. Дунёвий тилларни ёшларга ўргатиш йўли орқали ривожланган чет мамлакатларда уларни таҳсил олиб, Ўзбекистон истиқболни йўлда фидойилик кўрсатадиган, умумжаҳоний талабларга жаъоб беришга қодир авлодни тарбиялаш учун жон қўйиладир.

Ўзбекистоннинг нузли келажак бўлиши ўғил-қизларимизга болалик чоғидан маънавий озуқа бериб, одоби, тўғрисуз қилиб тарбиялашга ҳижат қилидиган, уларнинг қўқур билим олиши учун зарур бўлган дастурлар, дарсликлар яратишда фаол қатнашади.

Партия миллий мафқура — миллатни олға элтувчи, руҳлантирувчи ва қамолотга етказувчи қўч эканлиги, у миллий қадриятлар асосида шаклланиши, шунингдек, жаҳон тадафқури ютуқларини ҳам қамраб олиши, умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган заруратини ҳисобга олиб.

Шарқ алоомалари, жумладан, улуғ бобоқалонларимизнинг ахлоқий фазилатлари ҳақидаги асарларини бетинин равишда ўрганиш, улаштириш, тарғиб этиш, асосийси эса, уларга ҳаётда тўла амал қилишга эришиш;

— Бадафаслик, риёкорлик каби иллатларга қарши кескин курашиш;

— Санъат «чиқиндилари» — зуравонлик, маънавий бузқўллик гоғлари тарғиб этилган видеофильмлар, адабиётларни ўзга мамлакатлардан келтирилишига чек қўйиб лозим деб билади.

Партия маориф соҳасида ягона тизимини жорий этиш тарафдоридир. Бунда миллий қадриятлар билан бир қаторда, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан самарали фойдаланиш керак деб ҳисоблайди.

Партия маънавий келажик, аввало, мамлакатимизнинг интел-лектуал салохиятига боғлиқ. Бизнинг мақсдимиз уни нафақат асраб-авайлаш, балки ана шу бебаҳо бойлиқдан оқилона фойдаланишдир.

Партия, шунингдек, одамларимиз, айнакиса, ёшларнинг жисмоний қамолотида жиддий эътибор беришликни муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

Партия виждон эркинлигини қўлаб-қувватлайди. Унинг дин-га муносабати ижобийдир. Исом дини ва бошқа динлардаги ахлоқий қонлиқ, диниет, меҳр-муруват, йимон каби қадриятлар маънавиятимизнинг таъминларидан бири деб билади.

ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА

Маълумки, ҳеч қандай мамлакатда демократик жараёнларни ташқаридан зуриқ билан киритиб бўлмайди. Шунингдек демократияга тез қўнда ёки осонликча эришиб ҳам бўлмайди. Унга эришиш учун узоқ машаққатли йўлни тўғри танлай билишдир. Биз бу борада ўзимизга ҳос ва мос йўлни танлаб олдик. Дем

Бугун—Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

УСТОЗ ОТАНГДЕК УЛУФ

Хар бир инсоннинг устози бўлади. Инсон дунёга келиши билан устозликни ота-она бошлайди. Боғчада — мураббий. Мактабда — биринчи Алифбони ўргатган муаллим. Маҳаллада — кўни-кўшнилари. Институтда — илм берган, биринчи марта пахта теримида олиб чиққан, макарон шўрвани талабалар билан бирга ичган домла Устозликни давом эттиради. Секин-аста шахс шакллана боради. Ўз фикрига, дунёқаршига эга бўлади. Айтишларича, шахс сифатида инсон асосан талабалик йилларида шаклланади. Демак, бу даврдаги устозларнинг хизматлари беқиёсдир. Мен учун шундай устозлардан бири таниқли олим — Оқил Умрзоқович Салимовдир. Мен 1957 йили Тошкентдаги 111-мактабни олтин медал билан битириб, Ўрта Осиё политехника институтининг механика факультетига, «Автотранспорт эксплуатацияси» ихтисослигига, имтиҳонсиз талабалик сафига қабул қилиндим. 1 сентябрда дарслар бошланди. Хар хил фанлардан муаллимлар дарс бера бошладилар. 5-10 кун ўтмасдан пахта теримида чиқадиغان бўлиб қолдик. Бизга раҳбар этиб Оқил ака Салимов тайинландилар.

Бука туманидаги ҳўжаликлардан бирида 100 киши бир оила фарзандларидек яшадик. Шу кунлари Устоз билан самимий суҳбатлашиш давомида уртамизда яқинлик, илиқлик пайдо бўла бошладик. Бу инсон ута камтар бўлиб, пахта уюмини устида утириб бизларнинг пахта теримини кузатиб ўтирар эдилар. пахта кўпроқ терган йигитларни мактаб кўяр, лекин бировни уришганларини эслаб олмаман.

Мен шахар боласи бўлсам ҳам пахтани яхши терар эдим. Шу ерда Оқил акани Москва автомобиль йўллар институтидида аспирантурани тугатганларини билдим ва олим бўлиш хаваси тугила бошладик. Чунки «Олим бўлсанг — олам сенки» — деб бекорга айтмайдилар-ку?

Маҳалламизда ҳам бир олим акамиз — Абдулла Аюпов истиқомат қилар эдилар. Улар уруш қатнашчиси, файласуф — таниқли олим. Онам ҳар доим: «Шу акангга ухшаб олим бўлгин», — деб дуо қилар эдилар. Мени институтга бошлаб келган инсон шу олим бўладилар.

Пахтадан сўнг уқиллар бошланиб кетди. Талабалар ўртасида яхши ўқиш учун ўзаро мусобақа, чунки гуруҳда 28 талабадан 25 таси медалли. Учинчи курсда «Материаллар қаршилиги» фанидан доцент Нигматулла Турсундор дарс берадилар. Ажойиб инсон, иқтидорли олим эдилар. Жойлари жаннатда бўлсин. Шу инсон бизларни илмга қизиқтира олдилар. Улар етакчилигида турли мавзуларда илмий мазкуралар қилдик. Маърузамизни яхши қабул қилдик.

Сўнг Оқил ака декан муовини сифатида менга бир китоб совға қилдилар. Бу китоб ҳозиргача жавонимда. Оқил аканинг китобида битиб берган сузлари илмга булган қизиқишнинг кўчакчиси бўлди. «Автомобиллар» кафедрасида олиб борилаётган илмий изланишларда катнаша бошладим. Кўз очиб-юмунча 5 йил ўтиб кетди. Институтни ҳам имтизбили диплом билан тугатдим. Ишга тақсимлаш бўлиб ўтди.

Тошкентда бирорта ҳам урин йўқ... Янгирев автобазасига «эксплуатация бошлиғи» лавозимига тайинландим. Ойлиги яхши. Лекин бир неча кун ўтгандан сўнг, кафедра мудири, профессор Н. Абрамов чакриб: «Уртоқ Қодиоров, сиз учун ректорат ассистентлик лавозимига бир урин ажратди, келинг», деб қолди. «Лекин ойлиги ҳозир олаётганингиздан деярли икки баробар кам». Мен аввало бу таклифни онамларга етказдим. Онам: «Мен розиман, яна 5-6 йил қийналсанг ҳеч нарса қилмайдик. Фақат Оқил ака билан маслаҳатлашгин», дедилар. Мен Оқил акаларни олдларига қирдим. Устозим: «Бундан хабарим бор. Маслаҳатим — розилик бергин. Имконияти бўлиши билан сени МАДИга мақсадли аспирантурага юбораман», — дедилар. Бу суз менга қанот берди ва розилик бердим. 1962 йил июль ойида кичик доцент домаликка қабул қилиндим. Кўзда эса Оқил аканинг тавсиялари билан МАДИга мақсадли аспирантурага имтиҳон топириш учун бордим.

Мен бу ерда гўё янги дунёга тушиб қолгандек ҳис этдим ўзимни. Бу ердаги усқуналар турисида ҳеч қандай тушунчага эга эмасман. Нима қилмоқ керак? Кафедра мудири М. Хо-ваҳ адолатли маслаҳат берди: «Бир йил шу-гуллан, барча асбобларни ишлатишни ўргатсан, янги дивигетлини лойиҳаласан, сўнг аспирантурага кирасан». Бу таклиф маъқул бўлди. Москвадан Оқил Умрзоқовичга кўнгирак қилдим. Бу пайтда улар проректор лавозимида эдилар.

Сарвар КОДИРОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар
институтини ректори.



Тошкент шахрининг Чилонзор туманидаги Х. Хасанов номи 126-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Шахноза Жалилова ҳам ўзининг анъанавий касб байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини алоҳида шоду-хуррамлик билан кутиб олди. Чунки у тўрт йилдан буюн раҳбарлик қилиб келаётган синфнинг иқтидорли ёшлари бугун 8-«Б» синфда таҳсил олмақда-

лар. Изланувчан, ёш ўқитувчи Шахноза Жалилова шу билан биргаликда кўплаб болаларга чет тилини меҳр билан ўргатиб, уларнинг қалбида ўзга халқларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантирмоқда.

СУРАТДА: инглиз тили ўқитувчиси Шахноза Жалилова дарс пайтида.

Хусанбой АВВАЛОВ
олган сурат.

Эътироф

АЛИШМА ХАЛҚИО ЯНҚИОҒИГА ХАМ

Бир хикмат англадим, англадим бу кун
Кўз солиб Ватанинг тўрт ёғига мен.
Ёр хажрига чидам бермоғинг мумкин,
Чидолмасан юртнинг фироғига сен.

Тириклик — илохий неъматдир илло,
Хаёт ҳам яқтодир, Ватан ҳам яқто,
Лабларингни боссанг арзийди ҳатто
Бунда хар дарахнинг япроғига сен.

Султон бўл: салтанат, қўшқинг юрдадир,
Ошиқ бўл: ишқинг рашиқинг юрдадир,
Қўш бўлсанг: озу соз ризқинг юрдадир,
Кўз тикма ундан-да кўпроғига сен.

Каровсиз бир гадои эмассан, билгил,
Тепангда давлат бор, укажон, сингил,
Бир зум бошингни эг, таъзимлар қилгил
Шу улуг давлатнинг байроғига сен.

Тоғларин, боғларин, овулин, шахрин,
Дўстга муҳаббатин, душманга қаҳрин,
Кўксинга муҳаббат бўлса гар, барин
Сигдирарсан кўзинг қароғига сен.

Хорижни кўй, ким кўпириб мактасин,
Тингла эътирофин юртнинг отасин:
«Ёт элларнинг боғи билан боғчасин
Алишма юртнингнинг янғиоғига сен!»

Эй дўст! Мангу ёнсин толе юлдузинг,
Юрт не? Билсин десанг ўғлингиз кизинг,
Авал муносиб бўл, лойиқ бўл ўзинг
Унинг чўғирмаю қалпоғига сен.

Тангирим, бахтин бергин шу мунис юртнинг,
Етти иқлим аро шу ёлғиз юртнинг,
Майли, шўр бўлса ҳам, шу азиз юртнинг
Зор этма бир сиким тупроғига сен!

Мансур АХМЕДОВ.

БЕРУНИЙ ХИКМАТЛАРИ

Душманлар ҳамиша
насабларга таъна қилиш,
номусларни ерга уриш,
турли уйдирма гаплар тар-
қатишга уринадилар. Шу-
нингдек, дўстлар ва хайри-
хоҳлик қилувчилар ёмонни
яхши қилиб қўрсатишга, ҳа-
лал эздиган йўлни тўсиш-
га, ўзгаларнинг изҳор этиш-
га ва яхшиликларга нис-
бат беришга киришадилар.

Эҳтиёжларнинг тури
ҳам, сони ҳам кўп. Уни фа-
қат бирмунча кишигина ба-
жо келтира олади. Бунинг
учун инсон йигилиб яша-
га мўтдоз.

Сўқрут ўз халқи ом-
масининг санамларига
ибодат қилишига қаршилиқ
қўрсатиб, оғизда бўлса ҳам
сайёраларни худо деб
аташдан ҳес тортиди. Шу-
нинг учун Афганиннинг ўн ит-
тиқ қўзисидан ўн итти-
си бир овоздан унинг ҳа-
лдиришга фаво беришди.
Сўқрут эса ҳақ йўлдан
қайтмаганича ўлиб кетди.

Одамгарчилик киши-
нинг ўзи, уруғ-аймоғи ва
ўз аҳволига таъсир этиши
билан чекланади. Мардлик
эса ундан ҳам устун туриб
ўзидан ташқарига ҳам ўта-
ди. Одамгарчилиги бу мар-
д киши ўзидан ва ўзи-
ники эканлигига ҳеч ким
тортишиб ўтирмайдиган
нарсадан бошқасига эғ-
лик қилмайди.

Улуг ҳодисалар ҳар
вақт юз беравермайдик.

Баъзилар исбот кун-
сиз бўлса ҳам, ўзларига
ёққан нарсани тан олади-
лар, гарчи рост бўлса ҳам
эътиқодларига тўғри кел-
майдиган нарсадан қоча-
дилар.

Билимсиз кишилар-
нинг кўнгли хурофотга
(уйдирма, беҳуда, тағи йўқ
гаплар) мойил бўлади.
Одамлар билмаган нарсал-
арига душманилик қузи би-
лан қарайдилар.

Сурайё ТОШЕВА
тўплаган.



Ўзбекистон Республика-
си Марказий банки 1999
йил 28 сентябрдан бош-
лаб ҳисоб ва божхона
туповлари учун 1 АҚШ дол-
ларининг суми нисбатан
қийдаги қийматини бел-
гилди:

1 АҚШ доллари —
135 сўм 54 тишин.



Бир пиёла чай устида
нуронийлар дедилар:
— Мустақиллик бизга зўр бахт,
саодатни берди-да!

Халқ фаровон, юрт ҳам обод,
омон бўлсин юртбоши.
Нишонлайлик биргалашиб
ул кишининг юз ёшин.

БОТКЕН: ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ

Қирғизистон жанубидаги бугунги вазият тер-
рорчи гуруҳлар билан кураш сўнгги босқичга
кирганидан далолат бермоқда. Террорчиларни-
нг қароргоҳлари, асосий таъминот йўллари бом-
бардирмон қилинмоқда, Қирғизистон Мудофаа,
Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик вазирлик-
ларининг махсус қисмлари жойларда «тозалаш»
ишларини амалга оширмоқда.

Қирғизистон Мудофаа ва-
зирли Эсен Топоев «Вечерний
Бишкек» газетасига берган
интервьюсида террорчилар-
нинг Қирғизистон ҳудудиди-
да қишлоғига асло йўл қўймас-
лигини таъкидлаган. Унинг
айтишича, ҳозирги пайтда
Чун-Олоқ, Ҳайдаркан ва Бот-
кен-Лайлак йўналишларида
босқинчиларнинг бошқа ту-
монларга ва Ўзбекистон ҳу-
дудига ўтиш йўллари тамом-
ла тўсилган. Чекиниш йўлла-
ри ҳам назорат остида. Ил-
лари бу йўллар фақат само-
вӣ ёрдамда кузатиладиган бў-
лса, эндиликда чегара қисм-
лари қўйилган. Вазирнинг
таъкидлашича, Ўзбекистон ва
Қозғистон ҳарбийлари билан
биргаликда босқинчиларни
ураб олиш ва тамомла қи-
риб ташлаш режалари тузил-
ган.

Қирғизистон матбуоти ха-
барларига қўра, террорчилар
ҳамон Боткен туманининг
Зардоли, Қўрган ва Хўжа-Оч-
лар қишлоқларида турибди-
лар. Қўнғулари улар тоғ ичи-
да яширинадилар ва кен ки-
риш билан қишлоқларга
қайтадилар. 17-18 сентябрь
кунлари Қирғизистон чегара
қисмлари билан бўлиб ўтган

пул олиш ниятидан қайтган-
лари йўқ. Ана шу ўлжадан ку-
руқ қолиш хавфи тудалар раҳ-
барлари орасига нифоқ сол-
моқда.

Террорчиликка қарши кес-
кин ва қатъий чоралар билан
курашиш лозим. Айрим қир-
ғиз генераллари ва аҳоли тер-
рорчиларнинг илк босқини
пайтидаёқ уларга ён бермас-
лик, аксинча режаларини бар-
бод қилиш зарурлигини
таъкидлаган эди. Кейинги во-
қеалар бу фикрнинг тўғрили-
гини қўрсатди. Ҳозирги вазият-
да ҳам босқинчиларнинг че-
кинishiга йўл қўймаслик, да-
дил ҳаракатлар билан улар-
ни тамомлаи тор-мор этиш
энг тўғри йўлдир.

Қирғизистон жанубидаги
воқеалар фақат минтақавий
халқларинингина эмас, балки
жаҳон жамоатчилигини ҳам
таъшилангирини турибди. Бир-
лашган Миллатлар Ташкило-
ти Бош Ассамблеясининг 54-
сессиясида бу мавзу қайта-
қайта лифта олинди. Европа-
да Хавфсизлик ва Ҳамкорлик
Ташкилати (ЕХТ) минтақада-
ги жараёнларни диққат би-
лан кузатиб бораётган. Таш-
килотнинг амалдаги раиси,
Норвегия ташқи ишлар вази-
ри Кнут Воллбекнинг Мар-
казий Осиё мамлакатларида
сафаридан кўзда тутилган
мақсадлардан бири ҳам Қир-
ғизистон жанубидаги вазият-
ни муҳофаа қилиш ва хал-
қаро террорчиликка қарши
савий ҳаракатларни мувофиқ-
лаштиришдир. Зеро, террор-
чилик давримизнинг энг ҳа-
тарли иллоти бўлиб қолмоқ-
да.

Насриддин
МУҲАММАДИЕВ
(УзА).

Қонун барчага баробар

Дастлабки сўроқ жараёнида тоға ва амаки
уз жиноятларини буйниларига олмай минг хил
йўллар билан терговни қалгитмоқчи бўлиш-
ди. Бироқ тажрибали терговчи Аслон Шодиев-
нинг билимдонлиги, етарли ашёвий далиллар,
гувоҳларнинг курсатмалари жиноятчиларнинг
мудҳиш кирдикорларини очиб, бўлбўлдек
«сайратди». Улар уз қилмишларига тула иқ-
рор бўлишди.

Бухоро вилоят судининг аъзоси Ҳикмат Аҳ-
медов расилгида Г. Жураева, Ф. Ортиқова-
лар иштирокида ушбу жиноий иш қўриб чиқи-
либ, одилона ҳукм ўқилди.

Жиноятчи Азизов Мухиддин Ўзбекистон ЖК-
нинг 118-моддаси 4-қисми билан 15 йилга,
ЖКнинг 113-моддаси 3-қисми «б» банди би-
лан 5 йилга, ЖКнинг 59-моддаси билан 16
йилга озодликдан маҳрум қилинди. Ашраф За-
рипов ҳам Ўзбекистон ЖКнинг 118-моддаси
4-қисми билан айбни деб топилиб, ЖКнинг
85, 86-моддалари қўлланиб 8 йилга қамқоқ жа-
зоси тайинланди.

Юзи қора тоға ва амаки энди панжара ор-
тида меҳр-оқибат ҳақида узоқ уйлашса ажаб
эмас...

Кодир ҒАНИЕВ,
Бухоро шаҳар Ф. Ҳўжаев туман
прокурори ўринбосари,
1-даражали ҳуқуқшўнос.
Рашид АСЛОНОВ,
журналист.

Шу йилнинг илк баҳор кунларида Бухоро
шаҳар «Жўйзар» дам олиш оромгоҳида со-
дир булган бу қуз қўриб, қулоқ эшитмаган
фожеа қўпчилиқнинг қавм-қариндошлиқ,
меҳр-оқибат ҳақидаги фикрларини остин-ус-
тун қилиб юборди. Ҳаётда кўпни қўрган,
«Битта тоға етти отанинг ўрнини босади» деб
уйлаган оқсоқоллар ҳам бу воқеани эшитиб
«тавба, шўнақаси ҳам бўларкан-да!» дея
таажжубдан ёқа ушлашди...

Худо беҳабар, ҳайвоний ва шахвоний ҳис-
ларга берилган, имонсиз, дийнатсиз тоға ва
амаки 13 ёшли уз жиянларига «эр» бўлиш-
ди. Бундай разолат олдидида қўпчилиқ охи-
з қолишди. Ҳали ўн гулдан биттаси очилма-
ган Б.нинг номуси топталди.

Ушбу жиноятнинг сабабларини таҳлил қи-
лар эканмиз, беихтиёр уйга толамиз.
Бухоро шаҳар П. Неруда кўчаси 3-уй 112-
хонадонда яшовчи, 2 нафар фарзанднинг
отаси Мухиддин Азизов ота-онасидан эрта
ажраб, етим қолган жиянлари Б., Г. ва А.лар-
ни ўз қарамоғига олганида бу норасидалар
дунёда меҳр-оқибатли жигарғушалари бор-
лигидан маъмон бўлишганди. Афсуски, бу
шўрлик қизчалар амакиларининг бу меҳр-
мурувватлари замирида жирканч ниятлар ёт-
ганини қайдан билишсин.

Ушанда ёғи таътилга чиққан 13 ёшли Б.
ҳокимлик томонидан онла бошлиқларини йў-
қотган кишилар сифатида берилган йўллан-
ма асосида «Жўйзар» дам олиш оромгоҳида
сингиллари билан хордиқ чиқараётган эди.

Тоғаси Ашраф Зарипов жиянларининг холи-
дан хабар олишга борди. Бу пайтда оромгоҳ-
даги қўпчилик дам олувчилар, жумладан Б.ни-
нг сингиллари Г. ва А. ҳам кино куриш учун
қўлбага кетишганди.


Дам олиш хонасида ҳеч ким йўқлигини

ИСНОД

ёки 13 ёшли жиянларининг
номусини топпаган тоғабатир
тоға ва амакининг қилмишлари
ҳақида

пайкаган Ашраф Зарипов яқин қариндош бў-
лишига қарамай, мажбурлаб уз жиянини зур-
лаб номусига тажовуз солди. Ва ҳали 14 ёш-
га тўлмаган Б.ни бу воқеани ҳеч кимга айт-
масликка кўндирди...

Оромгоҳдан эрта қайтган жиянларини қўр-
ган амаки — Азизов Мухиддинни ҳам шайтон
ваъсасага солди. Ухлаб ётган Б.ни у ҳам зур-
лаб номусига тегди. Бу ҳам етмагандек «ик-
киламчи қайталоовчи захм касали»ни узида бўл-
ганини билган ҳолда касалиқини унга ҳам юқ-
тирди.



Бугунги Тошкент. Янги ишга туширилган «Шератон» меҳмонхонаси.

САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ

Муштарийларнинг саволларига ҳуқуқшунос Э. Мавлонов жавоб беради

— Олий Мажлис депутатлигига номзодни рўйхатга олишда фуқаро эгаллаб турган лавозимининг аҳамияти борми?

Комила МУРОТОВА, Тошкент шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасида бу ҳақда шундай дейилади:

Хукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликларида ташкари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинади.

— Олий Мажлис депутатлигига номзодга жамоат транспортида текин юриш ҳуқуқи бериладими?

Қаҳрамон ШУКУРОВ, Навоий шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддасида кўрсатилганидек, Олий Мажлис депутатлигига номзод рўйхатга олинганда кейин тегишли сайлов округи доирасида давлат пассажир транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади.

Сайлов округидан ташқари яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан турар жойига қайтишда ана шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

Олий Мажлис депутатлигига номзодни қўйилган шахс номзодлиқдан воз кечиши мумкинми?

Ўткир МИНГБОВ, Самарқанд вилояти.

— Ўзбекистон Республикаси



Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 29-моддасига қўра Олий Мажлис депутатлигига номзод сайловга қадар истаган вақтида номзодлиқдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

— Қандай фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмас?

Собир ХОЛМИРЗАЕВ, Қашқадарё вилояти.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодлиқдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди.

Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди, дейилади.

— Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашида қандай Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига эга бўлганларнинг ёши ўртасида фарқ борми?

Барно РАВШАНОВА, Самарқанд вилояти.

— Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашида сайлов кунига 21 ёшга тулган, Олий Мажлиси сайланиш ҳуқуқига эга сайлов кунига 25 ёшга тулган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

— Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик белгиланганми?

Анвар ХОЖИЕВ, Жиззах вилояти.

— Сайловчиларнинг Олий Мажлисига сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зуравонлик, алдас, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатган шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатларини тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланган жавобгарликка тортиладилар.



(4 октябрдан — 10 октябргача)

— КҮЙ — Ушбу

қунарда бошлаган ишларингизни ниҳоятга етказинг. Янги уфқларга эргашма-нингиз маъқул. Узингиз зийракроқ бўлинг ва бошқаларга масъулиятни ағдармасликка интилинг. Кунгил қолтириш, соғингиз муаммолари, оилангиз ва рузгорингиздаги масалалар отишда ҳуқуқсиз.

— БУЗОК —

Шахсий ҳаётингиз сермахсул бўлиб, тадбиркорлигингиз ўзини намоён қилди. Ушбу даврда ишбилармонлик муносабатлариданги ўзланган ришталар мустаҳкамланди. Соғингиз муаммоларини ўзи тизикда ҳал қилиш. Баъзиларнинг мансабларида икборий бурилишлар юз беради.

— ЭГИЗАКЛАР —

ташқи таъсирларнинг ноҳушликлар билан юзлашасиз. Натижада оилавий низолар ва асаб бузилишига муболаб бўласиз. Шунинг учун ишларингизни тартибга келтириш, кераклик икки-чирларни жамланг — булар қулайлик ва яхши кайфиятга негиз яратди. Молиявий ҳолатингизни тахлил қилганда, даромадларингизни эса ҳисоб-китоб қилиб иш юритинг.

— КИСКИЧБАКА —

Вазиятлар сиздан қўлнингизни ва вақтинчалик ақил-ақибатингизни қариндошлар ва таъинларга қаратишнингизга мажбур қилади. Соғингиз муаммоларини ўзи тизикда ҳал қилиш. Молиявий ҳолатингизни тахлил қилганда, даромадларингизни эса ҳисоб-китоб қилиб иш юритинг.

— ИШЛАРИНГИЗДАГИ

омад зақингизни ошириб, ақил меҳнат билан шугулланишга ундайди. Ўқим мураккаб бўлиб, меҳнатингизни ноҳушликлар, рузгор ишлари билан боғлиқ бўлади.

— ПАРИЗОД —

Қўлимизни эрдан олиб, қўлимизни то-пасиз. Бироқ ўзингиз билмаган ҳолда чор-шанба, пайшанба ва дам олиш кунлари ноҳуш вазиятларга қўлнингизни тахлил қилиш. Баъзилар Сизни ушбу даврда бирорнинг ҳизматидан беанди-шалик билан фойдаланишга ундайди. Яхши ҳаридлар қиласиз. Яқин қариндошларингиз соғлиги бе-завта қилиши мумкин, шомлаб қолтишдан эҳтиёт бўлинг.

— ТАРОВУ —

Хафта унумли бўлиш кўтимокда. Ҳамкасбларингиз олдида обурингиз ақилланиди. Бироқ ушбу даврда бўлиб, таъин-ликка тушиб қолманг. Дам олиш кунлари соғлиқ муаммолари сизни ва яқинларингизни бе-завта қилиши мумкин, шомлаб қолтишдан эҳтиёт бўлинг.

— ЧАЁН —

Ортиб бораётган вазифаларингиз Сиздан масъулиятлироқ бўлиши талаб этади. Ҳамкасбларингиз билан муносабатларини мураккаблаш-тирмаслик учун «пашадан фил ясамасликка» ҳаракат қилинг. Ҳиссиётга берилиш қўлимизни тахлил қилиш. Ишнингизга эса ортиқча эътибор-лик ва бетоблик ҳалал бериши мумкин.

— ҲОТАР —

Шахсий муносабатларингиз мустаҳкамланиб, тикланади. Ҳаётий ҳолатлар керакдиз таваккалчи-ликка ўз муносабатингизни ўзгартиришга ва молиявий ишларда «жасоратли» таҳрибалардан воз кечишга мажбур қилади.

— ТОҒ ЭЧКИСИ —

Вазият ва ҳолатлар ишончсизлик, куч ва ҳисларни бе-корга исроф қилиш, қуруқ гаплар, ўз-ўзини ич-дан ейтиш ҳамда ишдаги қўллар қолтиришдан эҳтиёт бўлишга талаб қилади. Бошлаган ишларингизни ниҳоятга етказинг. Чор-шанбадан бошлаб йирик молиявий сарфлар, турли ҳаётий низолар, соғина-гиз масалалари қўлга олади.

— ҚОВҒА —

Қиларни қурашув ва қўлимизга ҳуш бўлиш талаб қилади. Некарашнингизни кенгайти-риб, янги муваффақиятларга йўл очди. Кекса қарин-дошлар ва фарзандларингиз, қўлимиз муқаммолари сизнинг қўлимизингиз ҳал бўлмади. Ушбу қўллар сиздан пулни бе-хато санаш ва турли ко-гозларнинг расмийлашти-риш талаб қилади. Қў-ватсизлик, бетоблик бе-завта қилиши мумкин.

— БАЛИК —

Ушбу қўлларда шундай навоҳи ҳолатлар сизни қўлга олади. Унингизни ростилашга имкон топа олмайсиз. Шахсий ишларингиз билан ҳам шугуллана олмайсиз. Қўлимиздан танишлардан юз беради, улар романтик ма-ком қасб этиши мумкин. Молиявий муаммоларингизни эса қамқайтириш учун қарзларни вақтида ўзингизга талаб-эҳтиёл-ларингизни чегараланг.

БОЗОР — ЮРТ КЎЗГУСИ

аммо бозорлардаги қонунсизликларга қачон чек қўйилади?

Тошкент шаҳри бозорларининг ташқи ва ички қў-риниши нафақат мамлакатимиз аҳолисини, балки чет эллардан келатган меҳмонларни ҳам ҳайратга солмоқда. Бу қувончли, албатта. Бозорларга кирган ки-ши пештахталардаги Ўзбекистонимизнинг но-у-неъматларини кўриб, кўзи қамашади. Бу тўқинчилик аломати.

Аммо бугунги кунда Тошкентдаги ўн учта бо-зорлар маъмурияти то-монидан меҳнат жамоаси учун чиқарилган акцияларнинг 64 фоизи, эркин савдо учун ажратилган-дан 52 фоизи сотилиши тўла таъминланмагани ачинарли ҳолдир. Бундан ташқари бозорларда но-қонуний олди-сотдилар авжга чиққан. Жумладан, «Эски жува» бозориди фуқаро Ш. Исқандаров 0,33 литр сигимли Олмо-нияда ишлаб чиқарилган, истеъмол муддати 1998 йил октябргача ва 1999 йил апрель ойигача бўл-ган пиво маҳсулотини ҳа-қиқий истеъмол муддати-ни учириб, 1999 йил ноя-брь ойи кўрсатилган қал-баки тамга қўйиб сотаёт-ганда қармоққа олинди.

Унинг уйи кўздан ке-чирилганда, шундай ис-теъмолга яроқсиз бир минг саккиз юз донна пи-во борлиги аниқланди. Улардан 216 тасига қал-баки тамга қўйиб улгур-ган экан. У жиноий ҳа-вобарликка тортилди.

«Эски жува» бозори-нинг назоратчиси С. Исо-қов деҳқонлардан 1,2 ми-

нг сўм патта пули олиб, пат-та бермаган. Иккита жойни эгаллаган сотувчилардан эса битта жой учун пул ол-ганлиги аниқланди.

Сирғали тумани «Спут-ник-1» мавзесидаги бозор назоратчиси Ш. Уринов фуқаролардан йилгиланг ик-ки минг турт юз сўм (бир марталик йилгиланг) пулни давлат хазинасига топшир-май, узлаштириб юборади. У ҳозир «пулнинг қаёққа кетгани» ҳақида терговчи-нинг саволларига жавоб бермоқда. Қўнғир иш деб ҳаловатини йўқотди. «Ме-нинг нафсим бадоқир, эн-ган утга солдир», деб шун-га айтсалар керакда!

Сурхондарё вилояти бо-зорларида ҳам аҳоли қони-қарсиз. Жарқурган тумани-даги «Бободоҳқон» акция-дорлик жамиятида фойда-ланилаётган тарозиларнинг 18 таси, тарози тошларини-нг эса 40 таси фойдаланиш-га яроқсиз эканлиги аниқ-ланди. Яроқсиз тош-тарози-ларнинг «айби» билан қан-ча харидорнинг ҳақидан уриб қолинди экан?

Сариёсий туманидаги «Бободоҳқон» акциядорлик жамиятида фойдаланилаёт-ган тарозиларнинг эса 81

таси умуман яроқсиз. Улар давлат стандартдан ўт-казилмасдан ишлатиб келин-ган. Текшириш пайтида 25 нафар бозорда савдо қи-лаётган сотувчилар рухсат этилмаган шахсий тарози-лардан фойдаланаётгани маълум бўлди.

«Хазорасп» кийим-кечак бозорининг раҳбари Б. Матқубов бозорга ҳар хил қўрилиш материалларини олиб келган автомашина ва трактор эгалардан 250 сўмдан, жами 163,5 минг сўм пул олиб, кассага ки-рим қилмаган. Шу йилнинг 3 август кунини унга нисба-тан Ўзбекистон Республика-си Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисми «в» банди билан жиноят иши қўзғатилди. Кечагина дав-раларнинг турлида утирган «Бозорқум» бирор терговчи-нинг қаршисида қалтираб, қилмишидан пушаймон бў-либ утирибди.

Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамаси-нинг «Бозорларда сифат-сиз озиқ-овқат маҳсулотла-ри сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғ-рисида»ги қарори талаблар-и Қашқадарё вилояти Му-борак тумани деҳқон бозо-рида ҳам тулиқ бажарил-маётган. Бозорда Д. Турсу-нова акциз маркаси бўлма-ган спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатсиз сотанли-ги учун аввал маъмурий жа-вобарликка тортилганига

Шавкат

ТУРДИБЕКОВ,

Ўзбекистон Респуб-

ликаси Прокуратураси

Умумий назорат бош-

кармаси прокурори.

Қонун жамият учун ўта хавфли бу уюш-ган жиноий гуруҳнинг йўлига қўндаланг чиқди. Энди минг тавба-тазарру, афсус, пушаймонлар бефойда. Ҳаммаси учун жа-воб бериш керак!

Воқеа бундан беш ой муқаддам Самарқанд тумани-нинг «Самарқанд» жамоа ҳужалиги ҳудудда жойлаш-ган хонадонлардан бирида руй берди. Беш нафар ку-ролланган босқинчилар юз-ларига ниқоб кийиб 109-йўлга кириб ҳовли эгалари-нинг қўл-оёғини боғлаб, қийноққа солиб, катта миқ-дорда пул талаб қилиша-ди. Хонадон соҳибларини-нг ҳаётлари қўл устида тур-ган эди. Шу боис босқин-чиларнинг талабига қўнмай ўзга илоҳлари йўқ. Тўппон-ча ва пичоқ ўқталган ғала-мис кимсалар муродлари ҳосил бўлган, голибона чи-қиб кетишди. Бироқ улар-нинг голибона юришлари узокқа қўзилмади.

Миролим шу савил қол-гудан бир чимдим тута-тадиган ёки пиллада эзиб ичадиган бўлгандан буён дунёнинг ғаму ташвишлари-га қўл силтаб, ишнинг баҳ-ридан утди-қўйди. Қирчил-лама қирқ ёшида турт на-фар фарзанд ва оила

масъулиятини унутиб, вақту бемаҳал пилхона гойиб бўла-диган одат чиқарди. Хилват-да учрашиб турадиган юрак дашдларини индамайгина эшитадиган, губорини ёзиб хасратлашадиган дустлар орттирди. Анвар, Баҳодир, Уткир... Тутган жойидан ке-садиган зап азамат йигитлар.

Улар билан ҳар қандай ишни хамирдан қил сўғургандек осонгина элпаб кетса бўла-ди. Кейинроқ Миролим бу даврага ўз укаси Қобилини ҳам еталаб келди.

— Нақ бир жомадон тула пул. Узим қўрдим. Машина-сининг юкхонасига солиб қўйибди. Биров кўзини шам-ғалат қилиб секингина ўғир-лаб қўйишдан ҳам чучи-майди. Бойвачча-да!

— Ким, у? — қизиксиниб билдирилган «Нексия»сини чийиллатиб юрадиган олиф-та.

— Савдонинг пулидир-да. Ахир у бизнесмен-ку, — де-ди Уткир.

— Шундайку-я, лекин...

Миролим гапининг даво-мини айтмай даврадагилар-га қўз қирини ташлаб қўйди. Ҳамма пул дарагини эшитиб сергакланиб қолган эди.

— Гап шу, — бойваччани бир жазолаймиз, — дея да-вом этди Миролим. — Бори-ни биз билан ҳам баҳам кур-син-да...

Улфатлар Жўрабоннинг тақлифига индамай рози бў-лишди. Ният бир жойда қо-либ кетмаслиги учун пухта ре-жа тузишди.

Никоят, 24 апрелдан 25 ап-релга утар кечаси бешовлон хилватда тулпанишиб, олдин-дан мулжалга олинган ўй то-мон йўлга чиқашди. Етиб кел-ган ҳовли атрофини синчи-лаб қўзатишди. Тўнги рози у. Ҳамма уйқуда. Тик этган то-вуш эшитилмади. Қарашга ертўланнинг куча томонига қа-раган деразаси омонатроқ. Бирин-кетин эмаклаб ичкари-га киришди. Хонадон эгала-

ри — Мақсудовлар тўнги шар-паларинг «ташрифидан бе-хабар донг қотиб ухлаб ё-шарди. Бир зумда «бойвач-ча» Сухроб, унинг хотини, қи-зининг қўл-оёғларини қилвир билан чандиб ташлашди. Қо-бил ва Баҳодир эса қўшни хо-нага мўралаб бу ерда ётган чолу кампир Майрам Мақсу-дова ва Шокир Мақсудовлар-ни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйишди. Сунгра ён-ларидан «опий» суюқлиги тул-дирилган шприц олиб шовқин кутармоқчи бўлган ўй эгала-ридан Зулфия Насриева ва Майрам Мақсудовларнинг би-лақларига зурлик билан санчишди. Дори таъсирида халақат бермай ухлашди. Шундан сўнг тўда бошлиги Миролим Сухробнинг боши-га тўппонча дастаси билан уриб қанғитиб қўйди.

— Жон керакми, ҳамён? Тангла! Тинчгина кетишимиз-ни истасанг пулни қўз.

— Олинглар, ҳаммасини олинглар. Фақат омон қўйсан-гиз бўлгани...

Никоб кийган йигитлар

Адолатнинг қиличи ўткир!

НИҚОБЛАНГАН БОСҚИНЧИЛАР

Ўзгаларни қўрқув ва қийноққа солиб, мулкни талаб, шохона ҳаёт кечиришмоқчи эди. Аммо...

— Мақсудовлар тўнги шар-паларинг «ташрифидан бе-хабар донг қотиб ухлаб ё-шарди. Бир зумда «бойвач-ча» Сухроб, унинг хотини, қи-зининг қўл-оёғларини қилвир билан чандиб ташлашди. Қо-бил ва Баҳодир эса қўшни хо-нага мўралаб бу ерда ётган чолу кампир Майрам Мақсу-дова ва Шокир Мақсудовлар-ни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйишди. Сунгра ён-ларидан «опий» суюқлиги тул-дирилган шприц олиб шовқин кутармоқчи бўлган ўй эгала-ридан Зулфия Насриева ва Майрам Мақсудовларнинг би-лақларига зурлик билан санчишди. Дори таъсирида халақат бермай ухлашди. Шундан сўнг тўда бошлиги Миролим Сухробнинг боши-га тўппонча дастаси билан уриб қанғитиб қўйди.

— Жон керакми, ҳамён? Тангла! Тинчгина кетишимиз-ни истасанг пулни қўз.

— Олинглар, ҳаммасини олинглар. Фақат омон қўйсан-гиз бўлгани...

Никоб кийган йигитлар

Сухроб ётган хона жавонидан 16.000 АҚШ доллари, 2700 Россия рубли ва 500.000 сўм пулни олиб тўдабошининг оё-ғи остига ташлашди.

— Бу кам. Қолганини қаёқ-қа беркитгансан, — дея яна удагайлади Миролим.

Дарвозахонада турган «Нексия»нинг юкхонасини очиб қуришди. Яна 1.000.000 сўм чиқди. Ҳаммасини қора сумага жойлаб бўлишган, босқинчилар дарвозахонага чиқиди. Кетатубриб огоҳлан-тиришди:

— Агар миқ этсаларинг...

Мулжал беҳато танлангани ва «ов» бароридан келгани-дан суюнган босқинчи улфат-лар бир зумда қоронги тун қаърига гойиб бўлишди.

Эртаси кун уларни қиди-риб топиш ва қўлга олиш учун милиция тезкор гуруҳи оёқ-қа турди. Жабрдийда оила аъзолари, ғувоҳлар суруқ қи-линди. Экспертлар ёрдамга чақирилди. Жиноятчилар қол-дирган излар синчилаб ур-ганилди. Қисқаси руй берган воқеага фавқуллодда ҳол деб

қаралгани учун уни фош этиш мақсадида барча қўн-имко-ниялар ишга солинди. Ахир Самарқанд туманида босқин-чи билан боғлиқ ҳаффи бўндай жиноят яқин орада со-дир бўлмаган эди-да.

Орадан атиги икки кун утиб тўда бошлиги Миролим Ша-рипов қўлга олинди. Қаранг-ки, у жабрдийда Мақсудов-ларнинг қўшини бўлиб чиқ-ди. Қўл утмай уюшган жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам бирин-кетин ушланди.

Самарқанд тумани суди жи-ноят тафсилотларини батаф-сил урганиб жамият учун ўта хавфли деган ҳулосага кел-ди. Натижада Шарипов Ми-ролим жазони қаттиқ тартиб-ли колонияда уташ шарти би-лан ўн турт йил, Шарипов Қо-бил тўққиз йил, Тухтамшоев Анвар ўн икки йил, Эшмуродов Баҳодир ўн саккиз йил, Бурхонхо Уткир ўн саккиз йил озодлиқдан маҳрум этилди.

Енгил йўл билан пул топи-шохона ҳаёт кечириш мақса-дида ўзгаларнинг ҳаётига та-

жовуз қилишдан ҳам қайт-майди деган босқинчи тўда фаолиятига шу тариқа нуқ-та қўйилди.

Сунгги суз урнида шуни таъкидлаш лозимки, одам-ларни қўрқув ва даҳшатга солиб турадиган уюшган жиноий гуруҳларнинг дав-ри аллақачон утди. Фуқа-роларнинг қонун билан ку-рикланадиган ҳуқуқлари, дахлсизлиги ҳар жиҳатдан пухта ҳимоя қилинмоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари, суд, прокуратура қонун ва адолат тантанаси учун бел-ни маҳкам боғлаб ишга ки-ришган. Қўнғилига қора ниятни тутиб ўзгалар оро-мини бузмоқчи бўлган ҳар битта кимсани муқаррар жа-зо кутди. Зотан қонун устиворлиги ҳуқуқий жа-мийятимизнинг энг катта ютуғи.

Баҳодир САЪДУЛЛАЕВ, Самарқанд тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси, Зоҳир ТУРАҚУЛОВ, «Адолат»нинг ўз муҳбири.

АДОЛАТ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёси

Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир:

Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тургунўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Улугбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖҲАБОВЕВ, Акмал КОСИМОВ, Тўхтамурод ЖҲАБОВЕВ, Рустам АХМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари),